

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚАСИМОВ АРСЛАНБЕК АТАБАЕВИЧ

ПОСТТРАВМАТИК ЭПИЛЕПСИЯНИНГ СОМАТИК КАСАЛЛИКЛАР
ҲАМРОҲЛИГИ ФОНИДАГИ ДИАГНОСТИКА ВА КЛИНИКАСИ
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.13- Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қасимов Арсланбек Атабаевич

Посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар ҳамроҳлиги фонидagi
диагностика ва клиникаси хусусиятлари..... 5

Қасимов Арсланбек Атабаевич

Особенности диагностики и клиники посттравматической эпилепсии на фоне
сопутствующих соматических заболеваний..... 25

Qasimov Arslanbek Atabaevich

Features of diagnosis and clinical presentation of post-traumatic epilepsy against
the background of concomitant somatic diseases 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 50

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚАСИМОВ АРСЛАНБЕК АТАБАЕВИЧ

ПОСТТРАВМАТИК ЭПИЛЕПСИЯНИНГ СОМАТИК КАСАЛЛИКЛАР
ҲАМРОҲЛИГИ ФОНИДАГИ ДИАГНОСТИКА ВА КЛИНИКАСИ
ХУСУСИЯТЛАРИ

14.00.13- Неврология

ТИББИЁТ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib919 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуллаева Паргиша Нурмамамовна
тиббиёт фанлари доктори профессор

Расмий оппонентлар: Мамедбейли Айтен Кямал кызы
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
Артикова Мавлюда Абдурахмановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент,

Етақчи ташкилот: Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 20 21 йил «26» ноябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 223 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).


Диссертация автореферати 2021 йил «17» ноябр куни тарқатилган.

(2021 йил «17» ноябр даги 223 рақамли реестр баённомаси)




Д.Т. Ходжијева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент


С.С. Пўлатов
Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент


Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар фонида учраши аҳоли орасида энг кенг тарқалган неврологик патологиялардан бири бўлиб, сўнгги йилларда бажарилаётган кўплаб илмий тадқиқотлар, ушбу патологиянинг олдини олиш, юқори хавф гуруҳларини аниқлашга бағишланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), эпилепсияга қарши курашиш лигаси (ILAE) маълумотларига кўра «посттравматик эпилепсиянинг йўлдош соматик касалликлар билан биргаликда учраши 1,9%дан 3,7%гача тўғри келишини таъкидламоқда»¹.

Жаҳон миқёсида посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар фонида келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, унинг кечиши ва даволаш тактикаси натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳамроҳ соматик касалликлар фонида посттравматик эпилепсия билан касалланган беморларда нейрофизиологик диагностика, электроэнцефалография ва транскраниал доплерография ўтказиб, эпилепсиянинг хавф омилларини аниқлаш, соматик касалликлар фонида посттравматик эпилепсияси булган беморларда марказий асаб тизими ҳолатини нейрopsихологик тестлар ёрдамида когнитив бузилишлари ривожланганлик даражасини ўрганиш ва баҳолаш, соматик касалликлар фонида посттравматик эпилепсия билан беморларда нейрофизиологик ўзгаришлар динамикасини ўрганиш, соматик касалликлар фонида посттравматик эпилепсияси бор булган беморлар орасида ногиронлик ҳамда ўлим ҳолатларини камайтириш учун замонавий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни янги даражага кўтариш, посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар фонида келиб чиқадиган ногиронликни камайтириш мақсадида эпилепсияни эрта ташхислаш ва даволаш, профилактик чора-тадбирлари борасида мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби вазифалар белгиланган. Бу борада, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, соматик касалликлар фонида посттравматик

¹Gaitatzis A, Carroll K, Majeed A, Sander JW. The epidemiology of the comorbidity of epilepsy in the general population. *Epilepsia*. 2004; 45: 1613- 1622.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

эпилепсия касаллигини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш, беморлар орасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, касаллик келтириб чиқарувчи омилларни ташхислаш ва даволашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-ноябрдаги ПФ–6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020-йил 10-ноябрдаги ПҚ-4887-сонли «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ва 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: диссертация иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг V “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий тадқиқотлардан олинган натижалар шуни кўрсатадики, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тадқиқотларига кўра, эпилепсия патогенезида церебралнейротрофик омил (CNF), нервнинг ўсиш омили (NGF), нейротрофинлар-3 (NT-3) ва 4/5 (NT-4/5) кўпроқ аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади (Котов А.С.,2019; Захаров А.В.,2019; Mishra, M., Singh, R.,2020 Likhтерman L.V.,2021). Посттравматик эпилепсия хуружларининг кўпроқ қайталанишига туртки сифатида бош мия қон томирларидаги стеноз сабаб бўлиши мумкинлиги келтирилган, йўлдош соматик касаллиги бўлган беморларда стенозли жараёнлар 50%дан кўпроқ учраши, бу катта томирларнинг окклюзив шикастланишига ва бош миёда ишемик жараёнларнинг содир бўлишига, ўз навбатида эпилептик хуружларнинг ривожланишига олиб келади (Ахмедиев М.М., 2017; Gupta P.K., Sayed N., 2018; Рудакова И.Г., 2019)

Посттравматик эпилепсиянинг юрак қон томир касалликлари билан биргаликда кечтишда ангиография ва ультратовуш текширув маълумотларига кўра, магистрал артерияларининг стенози ва окклюзиялари, енгил даражадаги атеросклеротик стенозларга нисбатан кўпроқ учраш экан (Муратов Ф.Х., Мухамеджанова Н.М., 2020; Strauss E., Loring D., 2021; Fritz N.E., 2021). Эпилепсия патофизиологиясининг асосида бош мия кулранг моддаси нейронларининг шикастланиши, бунинг натижасида эпилептоген ўчоқлар шаклланишига олиб келиб, шикастланган нейронларининг кўплаб тўпланиши, мембрана потенциалининг силжишига ва деполяризациясига олиб келади (Давлетярова У.М., 2018; Курбанова С.А., 2015). Компьютер

томография текшируви посттравматик эпилепсияда бош миянинг бошқа касалликлари бор беморларда посттравматик характердаги суяк нуқсонларининг чандикли атрофик ўзгаришини, посттравматик кисталар, посттравматик гематомалар, инсультлар, инфекциян яллиғланиш касалликлари, ўсма касалликларида чуқур жойлашган ўчоқлар зичлигининг пасайиши ёки ортишини аниқлаб беради (Макаров А.Ю., Садыков Е.А., 2019; Мирзаев Ж.Б., 2017).

Сўнгги йилларда посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар билан кечишида, эпилепсияга қарши комплекс даво чоралари сифатида антиоксидантлар ва ноотропларнинг ишлатилиши тўлиқ ўз самарасини бериши аниқланган (Гафуров Б.Г., 2019; Najafi M.R., Tabesh H., 2021). Посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар билан кечишида руҳият, шахсият ўзгариши, конгнитив нуқсонларни ривожланиши ҳам муҳим рол ўйнайди, бу эса ташхисий алгоритмларни ва даво чораларини ишлаб чиқишга адекват ёндашувни талаб қилади (Сидиков А.А., 2020; Рахимбаева Г.С. 2019; Воронкова К.В., 2017). Мамлакатимизда посттравматик эпилепсиянинг клиник белгилари, уларни текширув усуллари ва даволашга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Абдуллаева Н.Н., 2020; Ибодуллаев З.Р., 2018; Курбанова С.А., 2021). Шунингдек, ёш олимларнинг тадқиқотларида посттравматик эпилепсия ва унинг клиник кечишини оғирлаштирувчи омилларга эътибор қаратилиб, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибори натижасининг тиббий ва ижтимоий жиҳати таҳлил этилган. Шу билан бирга, кузатувлар Самарқанд вилояти худудида беморлар орасида посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар бирга учраши ҳамда уни самарали ва иқтисодий қулай ташхислаш усуллари тўлиқ ўрганилмаганлигидан далолат бермоқда. Бу эса ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарақанд давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлар режасининг №011400196 «Посттравматик касалликлар билан боғлиқ соматик касалликларни чуқур ўрганиш ва эрта аниқлаш муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: ҳамроҳ соматик касалликлар, шу жумладан юрак-қон томир касалликлари негизида посттравматик эпилепсияси бўлган беморларда, касалликнинг диагностикаси ва клиникасининг хусусиятлари ҳамда даволаш усуллари тақомиллаштиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

посттравматик эпилепсия соматик касалликлар фонида хуружларнинг шакли, клиник турлари ва кечиши хусусиятларини аниқлаш;

посттравматик эпилепсия соматик касалликлар билан биргаликда кечишида нейрофизиологик (электроэнцефалография, транскраниал доплерография) ва нейвизуал (МРТ) ташхислаш усулларида комплекс

равишда фойдаланиб, бош миядаги ўзгаришларни узига хослигини баҳолаш;

посттравматик эпилепсия соматик касалликлар фонида беморларда марказий асаб тизими ҳолатини нейропсихологик тестлар ёрдамида когнитив бузилишлар ривожланганлик даражасини баҳолаш;

посттравматик эпилепсия соматик касалликлар фонида кечишида беморларда комплекс даво чора тадбирларини ўтказиб, клиник ва нейрофизиологик ўзгаришлар динамикасини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объектини посттравматик эпилепсия ташхиси билан 45 ёшдан 65 ёшгача бўлган 110 нафар (65 нафарида кўшимча йўлдош соматик касаллиги бор бўлган, 45 нафар бемор эса посттравматик эпилепсия ташхиси билан) ҳамда 48 нафар идиопатик эпилепсияси бўлган беморлар ташкил қилди. Барча беморлар Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-сон клиникасининг неврология бўлимида текширувдан ўтказилди.

Тадқиқотнинг предмети. ЭКГ, ЭхоКГ, Холтер мониторинги, УТТ, ЭЭГ, ЭхоЭС, ТКДГ ва МРТ (МСКТ) кўрсаткичлари натижаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник неврологик, клиник-лаборатор текширувлар, инструментал текширув усуллари (ЭЭГ, ТКДГ, нейровизуализация (бош мия МРТ текшируви), нейропсихологик тестлар MMSE шкаласи, Гамилтон депрессия шкаласи ва статистик ишлов бериш аналитик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар билан кечишида беморларда электроэнцефалография кўрсаткичлари асосида хуружларнинг ривожланишини ўзига хос шакиллари исботланган.

посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар билан кечишида беморларда электроэнцефалография, магнитли резонанс томография ва транскраниал доплерография кўрсаткичлари уйғунлаштирилган ҳолда кулланилиши, касалликни даволаш ва оғир асоратларини олдини олишда юқори самара бериши исботланган;

посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар билан биргаликда кечишида беморлардаги когнитив бузилишларни нейропсихологик тестлар ёрдамида аниқлаш ва бартараф этиш, уларнинг ҳаёт тарзини яхшилаш омилларидан бири эканлиги исботланган;

посттравматик эпилепсия соматик касалликлар билан кечадиган беморларда, электроэнцефалография, магнитли резонанс томография, транскраниал доплерография текширувлари ҳамда нейропсихологик тест натижалари мониторинги асосида даволашнинг оптимал тактикаси ишлаб чиқилган;

посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар билан биргаликда кечишида келиб чиқадиган муаммолар ва оғир оқибатлар ривожланишини ўз вақтида олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар, лаборатор ва инструментал текширув стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган;

посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар билан кечишида беморларда неврологик ва нейрофизиологик ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш орқали, соматик касалликларнинг ўткир даврида эпилептик хуружларни бартараф қилиш чоралари ишлаб чиқилган;

даволашни янада такомиллаштириш учун посттравматик эпилепсия соматик касалликлар фонида кечадиган беморларда асаб тизими, психоэмоционал ва когнитив ҳолатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган;

посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар ҳамроҳлигида кечишида беморлар бош мия ярим шарларининг гемодинамикаси кўрсаткичларини ўрганиш, мазкур патологияга эрта ташхис қўйиш ва унинг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини прогноз қилиш имконини беради. Посттравматик эпилепсиянинг соматик касалликлар билан биргаликда кечишида, унинг асоратлари хавфини камайтириш учун самарали даволаш-профилактика чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий усуллар ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотлар олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлича бўлганлиги, умумклиник, функционал диагностик, статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончлилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, посттравматик эпилепсия соматик касалликлар билан кечишида, беморларда электроэнцефалография, транскраниал доплерография натижалари асосида церебрал гемодинамикасидаги бузилишларни олдини олиш, беморларда марказий асаб тизими ҳолатини нейропсихологик тестлар ёрдамида когнитив бузилишлар ривожланганлик даражаси баҳоланганлиги, ушбу гуруҳ беморларда профилактик терапиянинг самарадорлиги исботланганлиги, шунингдек, коррекцион терапияни ишлаб чиқиш, беморлар организмни ўрганишга доир неврология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга ўзининг салмоқли ҳисса қўшиши, олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги ўзига хос жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар, электроэнцефалография, бош миянинг магнитли резонанс томографияси усуллари ёрдамида посттравматик эпилепсия ҳамроҳ соматик касалликлари бор бўлган беморларда эпилептик хуружларни хавф гуруҳи аниқланганлиги, асаб тизими, психоэмоционал ва когнитив ҳолатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқланганлиги, ушбу патологияда ўзига хос клиник хусусиятларини аниқлаш ва мазкур гуруҳ беморларида эпилепсия ривожланиш хавфини камайтириш учун профилактик даволаш усулини ишлаб чиқиш, касалликни вақтида

ташхислаш, ўз вақтида коррекцияловчи терапия ўтказиш даволаш самарадорлигини ошириш, бемор организмнинг соғлом ўсишини, аклий ва интеллектуал салоҳиятини кўтариш ва унинг ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Юрак қон томир касалликлари фонида посттравматик эпилепсияни клиникаси, ташхислашнинг ўзига хос хусусиятлари, замонавий даво усулларини қўллаш ва унинг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

посттравматик эпилепсиянинг ривожланиш механизмларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Юрак қон томир касалликлари фонида посттравматик эпилепсиянинг клиникаси ва замонавий даво чора тадбирлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 8н-р/414-сонли маълумотномаси). Натижада юрак қон томир патологияси фонида посттравматик эпилепсиянинг клиник кечишини аниқлаш, ривожланиши мумкин бўлган оғир асоратларни эрта ташхислашнинг оптимал вариантларини танлаш имконини берган;

посттравматик эпилепсия соматик касалликлар билан кечишида беморларда асаб тизими, психоэмоционал ҳолатини аниқлаш ва когнитив бузилишларни эрта олдини олиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Алгоритм диагностики особенности клинического течения посттравматической эпилепсии на фоне сопутствующих сердечно-сосудистых заболеваний» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 майдаги 8 н-р/413-сонли маълумотномаси). Бу услубий тавсиялар посттравматик эпилепсия билан оғирган беморларда диагностик алгоритм яратиш, уни қўллаш, дифференциал терапия тактикаси, шунингдек даволаш самарасини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот давомида касалликни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар “Нур Ҳаёт”, Тошкент шаҳар “Мед Хаус клиник”, Бухоро шаҳар “Азимед шифо” хусусий клиникалари, Хоразм вилояти Хива ТТБда клиник амалиётга жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги 8н-д/238-сонли маълумотномаси). Амалиётга татбиқ этилган натижалар посттравматик эпилепсия йўлдош соматик касалликлар билан биргаликда кечадиган беморларда, касалликни даволаш ва ташхислаш сифатини яхшилаш, оғир асоратларни олдини олиш ҳамда даволаш харажатларини камайтириш, беморлар ўлими сонини қисқартириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 5 таси хорижий ҳамда 1 та скопус журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг хажми 112 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Замонавий тиббиётда посттравматик эпилепсияни йўлдош соматик касалликлар фониди кечишини диагностика ва медикаментоз даволашнинг муаммолари**» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. посттравматик эпилепсия юзага келишининг этиологик омиллари, клиник белгилари, ташхислаш – инструментал ва лаборатор текшириш усуллари, даволашнинг замонавий усуллари ва посттравматик эпилепсиянинг олдини олиш чоралари ва башорат қилиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Текшириш материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг тавсифи ва амалий тадқиқот усуллари кўлланилиши акс этган. Биз томондан тадқиқот мақсадида СамМИ 1-сон клиникаси неврология бўлимида даволанган, ёши 45-65 ни ташкил қилган 158 нафар беморлар олинди.

Беморларнинг 65 (41%) нафари посттравматик эпилепсия ва соматик касалликлари бўлган беморлар, 45 (29%) тасида фақат посттравматик эпилепсия бўлган беморлар ҳамда назорат учун олинган 48 (30%) нафар идиопатик эпилепсия бўлган гуруҳларга ажратилди (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларни касалликлар бўйича гуруҳларга ажратиш

Гуруҳлар	Беморлар сони (n=%)
ПТЭ + ЙСК	65 (41%)
ПТЭ	45 (29%)
Идиопатик эпилепсия	48 (30%)
Жами	158 (100%)

Изоҳ: гуруҳлар орасидаги фарқлар (P<0,05)


Бош мия жароҳати бўлган беморлар жароҳатнинг оғирлиги бўйича бутун

жаҳон нейрохирургларининг III съездида тавсия қилинган БМЖ нинг ягона междисциплинар таснифига (Коновалов А.Н., 1982) кўра (Анамнезидан):

- энгил бош мия жароҳати - (енгил даражали чайқалиш ёки лат ейиш);
- ўрта оғир бош мия жароҳати - (бош мия чайқалиши, 1-2 та ўчоқли неврологик белгилари бор, хуши сопороз ҳолатида);
- оғир бош мия жароҳати - (хушсиз, ступор, кома ҳолатилари бўлганлар) бўлган беморларга тақсимланди (1-схема).

Яъни, 110 бемордан 65 (59%) нафари ПТЭ+ЙСК, шундан 22 (34%) таси энгил бош мия жароҳати, 27 (41%) таси ўрта оғир ва 16 (25%) таси оғир бош мия жароҳати утказган. 45 (41%) нафар беморда фақат бош мия жароҳати эпилепсияси булиб, шулардан 14 (31%) нафари энгил, 18 (40%) нафари ўрта оғир ва 13 (29%) нафари оғир бош мия жароҳатини ўтказган.

1-схема



Беморларнинг демографик кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, меҳнат фаолияти, ижтимоий активлиги ҳолати ҳамда беморларнинг касаллик тарихи ўрганилганда посттравматик эпилепсия ва соматик касалликларнинг ривожланиши 45 ёшдан 65 ёшгача бўлган беморларда кўпчиликни ташкил қилди, шунга асосланиб тадқиқот учун шу ёшдаги беморлар олинди. Беморларнинг ўртача ёши $45,4 \pm 1,6$ ни ташкил қилди.

Диссертациянинг «**Посттравматик эпилепсия йўлдош соматик касалликлар фонида кечиши билан бўлган беморларни клиник ва инструментал текшириш натижалари**» деб номланган учинчи бобида ПТЭ беморларнинг умумклиник, клиник-анамнестик, нейрофизиологик ва нейровизуалогик тавсифи берилган. Посттравматик эпилепсияда соматик касалликлар фонида эпилептик хуружлар клиникаси, БМЖ ва касаллик

ривожланиши орасидаги муддат шикастланиш оғирлигига ва соматик касаллик клиник боскичига боғлиқ. Анамнезида энгил БМЖ бўлган соматик касаллик учун иккиламчи тарқалганлик билан ва иккиламчи локал чакка медиабазал хуружлари, шунингдек фокал компоненти бўлмаган тарқоқ хуружлари хос. Ўрта оғир ва оғир БМЖ лари учун эса бошқа тип хуружлар (парциал, мотор, автоматизм, психиканинг бузилиш билан кечувчи, сенсор ва полиморф хуружлар) хусусиятга эга эканлиги аниқланди.

Тадқиқотгача беморларда хуружлар сонининг ўртача кўрсаткичи ойига $4,29 \pm 1,09$ ни (1 дан 9 гача), улардан фокал хуружлар $2,53 \pm 1,1$ (0 дан 7 гача), иккиламчи-тарқоқ $1,76 \pm 1,2$ (0 дан 6 гача) ни ташкил этди ($p < 0,5$).

Кўпчилигида эпилептик хуружлар фокал иккиламчи тарқоқлиги билан (60,0%) эканлиги аниқланди, бунда фокал компонент клиникаси асосан эпилептик ўчоқнинг чакка медиабазал локализациясига (чакка псевдоабсанлари, вегетатив-висцерал, автоматизмлар) мос келди. Бундан ташқари, беморларнинг катта қисмида фақат тарқоқ талваса хуружлари парциал компонентсиз (29,3%) ёки полиморф хуружлар (16,0%) кузатилди ($p < 0,01$).

Умумий бош мия жароҳати билан беморларнинг 36 (33,0%) нафарда энгил БМЖ, 45 (41,0%) нафарида–ўрта оғир; 29 (26,0 %) нафарида оғир БМЖ бўлган. Қўшимча маълумот сифатида шуни айтиш керакки барча беморларда бош мия жароҳати ёпиқ ёки бош суяги бутунлиги бузилмаган характерга эга.

Жадвал 2

Хуружлар частотаси ПТЭ + ЙСК

Хуружлар кечиши Бош мия Жароҳати	ПТЭ + ЙСК				
	Хуружлар йўқ	Энгил кечиши (ойига 1 ва ундан кам)	Тез–тез, ўрта оғир кечиши (ойига 1 тадан кўп 4 тадан кам хуруж)	Жуда тез–тез, оғир кечиши (Хафтасига 1 тадан то кунига 1 ва ундан кўп)	Умумий беморлар сони
Энгил БМЖ	0	7 (11%)	9 (14%)	6 (9%)	22 (34%)
Ўрта оғир БМЖ	0	6 (9%)	13 (20%)	8 (12%)	27 (41%)
Оғир БМЖ	0	2 (3%)	5 (8%)	9 (14%)	16 (25%)
Жами	0	17 (26%)	29 (45%)	19 (29%)	65 (100%)

Изох * - кўрсаткичлардаги фарқ ишончлилиги ($p < 0.05$)

Бундан ташқари, посттравматик эпилепсияси бор беморлар анамнезида, касалликнинг ривожланишига туртки бўлувчи, бошқа мойиллик туғдирувчи

омилларнинг ўрни ҳам ўрганилди. Орттирилган мойиллик туғдирувчи омилларга анамнезида нейроинфекция, ўткир ва сурункали томир патологияси (гипертония касаллиги ва ЮИК) оқибати, такрорий БМЖ борлиги аниқланди. Хуружларнинг оғирлик даражаси анамнез асосида охириги 12 ой давомида кузатилган хуружлар сони асносида бахоланди.

Хуружлар частотаси эпилепсияга қарши лига (Seizure frequency scores -SFS) томонидан тавсия қилинган шкала асосида таснифланди: 1-йўқ, 2-спорадик (ойда 1 ёки ундан кам хуруж), 3-тез-тез, ўрта оғир кечиши (ойига 1 тадан кўп 4 тадан кам) ва 4 - жуда тез-тез (хафтасига 1 хуруждан то кунига 1 ва ундан кўп хуружгача).

Жадвалда ПТЭ+ЙСКда энгил бош мия жароҳати билан 9 (14%) беморда, урта оғир бош мия жароҳати билан 13 (20%) беморда тез тез хуружлар ва оғир бош мия жароҳати билан 9 (14%) нафар беморда жуда тез такрорланувчи хуружлар кузатилди. ($p<0,05$).

Жадвал 3

Хуружлар частотаси ПТЭ

Хуружлар кечиши ↓ Бош мия жароҳати ↓	ПТЭ				
	Хуружлар йўқ	Энгил кечиши (ойига 1 ва ундан кам)	Тез-тез, ўрта оғир кечиши (ойига 1 тадан кўп 4 тадан кам хуруж)	Жуда тез-тез, оғир кечиши (Хафтасига 1 дан то кунига 1 ва ундан кўп)	Умумий беморлар сони
Энгил БМЖ	0	6 (13%)	5 (11%)	3 (7%)	14 (31%)
Ўрта оғир БМЖ	0	7 (15%)	9 (20%)	2 (4%)	18 (40%)
Оғир БМЖ	0	3 (7%)	8 (18%)	2 (4%)	13 (29%)
Жами		16 (35%)	22 (49%)	7 (16%)	45 (100%)

Изоҳ: * - кўрсаткичлардаги фарқ ишончлилиги ($p<0,05$)


Жадвалда ПТЭда энгил бош мия жароҳати билан 6 (13%) беморда ойига 1 ва ундан кам, ўрта оғир бош мия жароҳати билан 9 (20%) беморда ва оғир бош мия жароҳати билан 8 (18%) беморда тез тез такрорланувчи хуружлар устунлик қилди. ($p<0,05$).

Посттравматик эпилепсия қайта такрорланувчи (2 тадан кам бўлмаган) кўзгатувчи омилсиз намоён бўлган ва унинг ривожланишига, эпилепсия кўзишига бевосита боғлиқ бўладиган илгари ўтказган БМЖ ҳисобланади. Уларда касаллик эпилептик хуружларнинг турлича типлари билан тавсифланган, уларнинг клиник феноменологияси эса бевосита олдин ўтказган БМЖ билан боғлиқ. Посттравматик эпилепсияси бор беморларнинг анамнезидан, энгил БМЖ бўлганларида фокал компонентли иккиламчи тарқалган ва иккиламчи чегараланган (локал) хуружлар, шунингдек

хуружлари структурасида клиник фокал компонентга эга булмаган тарқоқ хуружлари билан кечганлиги кузатилди. Анамнезида енгил, ўрта оғир ва оғир БМЖ бўлганлар орасида иккиламчи локал хуружлар частотасининг ошганлиги, фокал компонентсиз тарқоқ хуружларнинг эса кам учраши кузатилди. Фокал компонент клиник феноменология борасида сўз борганида, унинг хусусияти клиникасида қандай фарқ қилган бўлса, анамнезида турли даража оғирликдаги БМЖ олган беморларда ҳам хуруж турлари мос равишда ўзгариб борди. Расм 1

Расм 1

ПТЭ + ЙСК эпихуруж турларининг таксимланиши.



Изоҳ: * - кўрсаткичлардаги фарқ ишончлилиги (p<0,05)

Анамнезида оғир ва ўрта оғир бош мия жароҳати соматик касалликлари бўлган беморларда иккиламчи тарқоқ билан ва фокал эпилептик хуружлар структураси (% ларда). Бунда 16 та оғир бош мия жароҳати ва 27 ўрта оғир бош мия жароҳати бўлган беморларда кўпроқ автоматизм ва рухиятни бузилиши билан кечадиган (5 (31%), 3 (25%) ва 7 (26%), 5 (19%)) хуружлар кузатилди. 22 та енгил бош мия жароҳати бўлган беморларда эса мотор хуружлар 8 (36%), чакка псевдоабсанс хуружлар 3 (14%), полиморф хуружлар 4 (18%) нафар беморларда кузатилди. Хулоса қилиб айтганда бош мия жароҳати соматик касалликлар билан кечишида эпихуружларнинг тури бош мия жароҳати ва соматик касалликлар характериға қараб ўзгариб боради, яъни ушбу ҳолатда автоматизм ва рухият ўзгариши билан кечвчи хуружлар устунлик қилди.

Олинган маълумотлар натижасида бош мия жароҳатининг оғирлик даражаларида учрайдиган эпихуружларнинг тури деярли бир бирига яқинлигини кузатдик, аммо соматик касалликлар кушилиши хисобига эпихуружларнинг мотор фокал, автоматизм ва рухият ўзгариши билан кечиши 1,5 баравар кўп учраши аниқланди.

Беморда кон босими ошиши натижасида мия тукумасида гипоксик механизмлар ривожланади яъни ишемия натижасида нейромедиаторлар активлиги ошиши, мия шиши ривожланади бу эса ортикча нейроаксонал биопатенциаллар юзага келиши ва хуружлар шакилланишига сабаб булади. Бу уз навбатида соматик касалликларнинг характериға, клинк боскичларига, беморнинг психоэмоционал статусига ва организминг реактивлигига қараб турлича булиши мумкин. Шартли равишда гипертония касаллиги булган беморларни психоэмоционал статусига ва юрак ва буйрак фаолиятига кўра 3 та кичик гуруҳга ажратилди:

1- кичик гуруҳни агрессивлиги юқори бўлган 27 та ГК бор беморлар ташкил қилди, мазкур гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши $47,4 \pm 7,1$ йил;

2- кичик гуруҳни депрессивлик даражаси юқори бўлган 20 та ГК бор бемор ташкил қилди, ўртача ёш $48,3 \pm 7,8$ йил;

3- кичик гуруҳни психоэмоционал сферада бузилишлари бўлмаган 18 та ГК бор беморлар ташкил қилди, ўртача ёши $49,4 \pm 6,6$ йил ($P < 0,1$).

Юрак ва буйрак зарарланишига кўра

1. Гипертония касаллиги билан 41 та бемор.

2. Гипертония касаллиги бевосита юрак зарарланиши билан 12 та бемор.

3. Гипертония касаллиги бевосита буйрак зарарланиши билан (тестида креатинин микдори - 880 ммол /л гача) бўлган беморлар 12 та бемор.

Шу билан бирга посттравматик эпилепсиянинг оғирлик даражаси ва гипертония фониди ривожланишига мойиллик туғдирувчи омиллар ва хуружлар шакилларини куйидагича изоҳладик (4-жадвал).

Жадвал 4.

Анамнездан аниқланган посттравматик эпилепсиянинг оғирлик даражаси ва гипертония фониди ривожланишига мойиллик туғдирувчи омиллар ва хуружлар шакиллари.

Йўлдош соматик касалликлар	Мойиллик туғдирувчи омилларнинг учраши аниқланган Ҳолатлар сони			Мойиллик туғдирувчи омилларнинг учраши аниқланган ҳолатларнинг умумий сони	ПТЭ +ЙСК	ПТЭ
	I	II	III			
Гипертония касаллиги	15 (55,5%)*	17 (85%)*	9 (50%)	41 (63%)*	Фокал оддий, ўткир тўлқинли, абсанлар	Фокал оддий майда тулқинлилар, сенсор хуружлар
Гипертония касаллиги бевосита юрак зарарланиши билан	5 (18,5%)*	3 (15%)	4 (22%)	12 (18,5%)*	Фокал диффуз ўткир тўлқинли, автоматизм ва руҳият ўзгариши билан кечувчи	Тарқоқ чегараланмаган, майда тулқинли полиморф хуружлар
Гипертония касаллиги бевосита буйрак зарарланиши билан	7 (26%)	-	5 (28%)	12 (18,5) *	Псевдоабсанс, вегетатив вецерал	
Жами	27	20	18	65 (100%)		

Изох: * гуруҳлар орасидаги фарқлар ($P < 0,1$)

Жадвалда кўриниб турибдики посттравматик эпилепсия гипертония касаллигини фонида купрок мойиллик тугдирувчи факторлар депрессия 17 (85%), ГК юрак ва буйрак зарарланишида агрессия 5 (18,5%) булиб, эпихуружлар фокал оддий ёки диффуз ўткир тўлқинли, автоматизм, руҳият бузилиши ва абсанслар кўринишида юзага келади.

Бош миядаги структур ўзгаришларнинг нейрозуализация маълумотларига кўра тавсифи 5-жадвалда келтирилди.

Жадвал 5

Нейрозуализация маълумотларига кўра бош миядаги структур ўзгаришлар тавсифи

Структур ўзгаришлар	ПТЭ+ЙСК	ПТЭ	Умумий
Кистоз ўзгаришлар	16 (24,6%)*	11 (24,4%)*	27 (24%)*
Кистоз-глиоз ўзгаришлар	28 (43%)	18 (40%)	46 (42%)*
Чандикли ўзгаришлар	13 (20%)	11 (24,4%)*	24 (22%)*
Локал кортикал атрофия	8 (12,4%)*	5 (11,2%)*	13 (12%)
Жами	65 (100%)	45 (100%)	110 (100%)

Изох: * - кўрсаткичлардаги фарқ ишончлилиги ($p < 0.05$)

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, посттравматик эпилептоген учокларнинг беморларимиздаги асосий вариантлари кистоз ўзгаришлар 27 нафар (24,%) ва кистоз-глиоз ўзгаришлар 46 нафар беморда (41,8%) бўлиб чиқди ($p < 0,05$).

Электроэнцефалография тадқиқот учун олинган беморларнинг барчасида утказилди ва олинган натижалар солиштириш йули билан таҳлил қилинди, яъни 158 бемордан, 65 та асосий гуруҳ, 45 таси бош мия жароҳати бўлган беморлар ва 48 таси назорат гуруҳидаги беморлар. ЭЭГ ритмларнинг беморларда ўзига хослиги.

Жадвал 6

Тадқиқот учун олинган беморлардаги ЭЭГ ритмларнинг узига хослиги

ЭЭГ ритмлари	ПТЭ+ЙСК	ПТЭ	Идиопатик эпилепсия	Норма
Алфа ритм	α- микдори теппа-чакка-энсада кўп, апм 120 мкВ, асимметрик	α- микдори теппа кўп, апм 90 мкВ, симметрик	α- микдори теппа кўп, апм 75-90 мкВ, аралаш	α- микдори энсада кўп, 8-13 Гц, 100мкВ дан ошмаган, симметрик синхрон тулқинлар.
Бетта ритм	β-микдори чакка-энсада кўп, 11-15 Гц, 30-40 мкВ, асимметрик. медиобазал	β-микдори теппа, чакка-энсада кўп, 7-6-8 Гц, -10-15мкВ, асимметрик.	β-микдори пешона, тепа, чакка, энса кўп, 9-15 Гц, 50 мкВ, симметрик	β-микдори пешонада кўп, 3-5 Гц, 10-20 мкВ, симметрик

ЭЭГ ритмлари	ПТЭ+ЙСК	ПТЭ	Идиопатик эпилепсия	Норма
			ёки билатерал,	
Тетта ва Дельта ритм	Δ/Θ барча яримшарларда кузатилди, 12-16 Гц, апм апм 120 - 150мкВ	Δ/Θ факат зарарланиш кисмида. 8-10 Гц, апм 120 мкВ,	Δ/Θ кўпрок чакка кисмида, 6-9 Гц, ампл 90-100мкВ. Баъзи ҳолатларда учрамайди.	20-100мкВ ёки учрамаслиги керак.

Жадвалдан куришиб турибдики, соматик касалликлар фониди ЭЭГда α, β-микдори теппа-чакка-энсада кўп ва амплитудаси юқори, асимметик, медиобазал кўринишга эга, ПТЭ ва идиопатик эпилепсияда теппа ва пешона кисмида кўп булиб, нисбатан паст амплитудага эга ҳамда симмитирик кўринишда булади.

Гуруҳлар бўйича эпилепсия учогининг жойлашишига кўра беморларнинг тақсимланиши Жадвал 7

Жадвал 7

Гуруҳлар бўйича эпилепсия учогининг жойлашишига кўра беморларнинг тақсимланиши

Касаллик шакли	Беморлар сони			
	ПТЭ+ЙСК (n=65)	ПТЭ (n=45)	Идиопатик эпилепсия (n=48)	Умумий беморлар сони % (n=%)
Пешона эпилепсияси	16 (24,6%)	9 (20%)	12 (25%)	37 (23%)
Чакка эпилепсияси	18 (27,7%)	12 (26,6%)*	9 (19%)	39 (25%)*
Энса эпилепсияси	19 (29,2%)	11 (24,4%)*	13 (27%)	43 (27%)
Теппа эпилепсияси	12 (18,5%)	13 (29%)*	14 (29%)	15 (25%)*
жами	65 (100%)	45(100%)	48 (100%)	158 (100%)

Изоҳ: * - кўрсаткичлардаги фарқ ишончлилиги (p<0,05)

Жадвалда кўрсатилганидек, посттравматик эпилепсия соматик касалликлар билан келишида бош мия яримшарлари пешона бўлагиди 16 (24,6%) та чакка кисмида 18 (27,7%) та теппа кисмида 12 (18,5%) та ва энса кисмида 19 (29,2%) та беморларда кузатилди.

ПТЭ бор иккила гуруҳдаги беморлардан олинган доплерографик кўрсаткичлар ўзаро ва назорат гуруҳ билан динамикада кўрсаткичлар билан таққосланди.

Жадвал 8

ПТЭ да цереброваскуляр реактивлик ва қон оқими тезлиги кўрсаткичлари

Ички уйқу артерияси			
	ҚОЛТ	RI	PI
ПТЭ билан ЙСК (n=65)	90.1±0,6	0,56±0,14	1,28±0,13*
ПТЭ (n=45)	88± 1.9**	0,54±0,11	0,93±0,11*
Идиопатик эпилепсия (n=48)	98± 1,8*	0,51±0,12	0,80±0,12

Изоҳ: * p<0,05; ** p <0,01*– I, II ва III гуруҳларда статик аҳамияти даражаси

Жадвалдан шуни кўришимиз мумкинки ички уйқу артериясида барча гуруҳлардан олинган натижалар қуйидагича булди, яни ПТЭ+ЙСК қон оқими тезлиги (90.1) RI (0,56±0,14) PI (1,28±0,13*) кўрсаткичлари нормадан юқори эканлиги (қон оқими тезлиги ЛСК ошганлиги PI ва RI баладлги) аниқланди. ПТЭ ва идеопатик эпилепсия билан беморларимиздаги кўрсаткичлар ПТЭ+ЙСК гуруҳ беморларидан паст эканлигини (ПТЭ-ЛСК 88± 1.9**, RI-0,54±0,11, PI-0,93±0,11*, идеопатик эпилепсия ЛСК 98± 1,8*, RI-0,51±0,12, PI-0,80±0,12, * p<0,05) кўрсатди.

Цереброваскуляр реактивлик миёда қон айланишини бошқарув тизимининг миқдорий характеристикасидир ва перфузия захиралари ҳолатини акс эттиради. ПТЭ+ЙСК гуруҳ беморларида барча бош миё кон томирларида олдинги миё артериясида (1,22±0,10), ўрта миё артерияси (1,26±0,12), ички уйқу артерияси (1,28±0,13) реактивлик юқори булиши аниқланди. ПТЭ ва идеопатик эпилепсия гуруҳларида эса бу кўрсаткичлар деярли мейёрида.

Жадвал 9

Нейропсихологик тест MMSE ёрдамида олинган натижалар

